



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-этибор кўрсатиш мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу айёмда бугунги тинч-осойишта ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилгани ҳаёлимиздан ўтади. Шу йўлда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теран англаймиз.

Кекса авлод вакилларининг кўнгилни кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қўлайликлар яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони фахрийларимизга эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчиларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

8 май. Пойтахтимиздаги Хотира



Майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра маҳзун муסיқа таралади. Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон

урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Шу кунларда юртимизда, қишлоқ ва шаҳарларимизда, ҳар бир оила ва хонадонда каттаю кичик — барча ватандошларимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини, Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 71 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Ана шу буюк ғалабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларимизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни табриклаш, уларга сихат-саломатлик, узоқ умр тилаш мен учун катта шарафдир.

Шу билан бирга, уруш майдонларидан қайтмаган, мана шундай мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт учун жон бериб, қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси-олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун муқаддас масканга айланиб қолган мана шу Хотира майдонида туриб, жаҳон тарихидаги энг қонли, мислсиз қурбонлар, мусибат ва офатлар олиб келган урушда эришган ғалаба кунини нишонлар эканмиз, орадан шунча йиллар ўтганига қарамай мамлакатимизда биронта одам йўқки, ўша даҳшатли урушини, унинг асоратларини эсидан, ҳаёлидан чиқарган бўлса.

➔(2).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда.

### Энг муносиблар сайланмоқда

Вилоятдаги 1245 та фуқаролар йиғинида ушбу муҳим жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари, ишчи гуруҳлар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Маҳаллада яшовчи фаол ва ташаббускор кишилар орасидан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатилди. Ҳар бир кўча, қишлоқдан вакиллар йиғилишида иштирок этувчилар рўйхати шакллантирилди.

Жомбой туманидаги «Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган вакиллар йиғилишида 41 сайловчи иштирок этди. Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган икки номзодга амалдаги тартиб асосида сўз берилди.

Номзодлар ўз дастур ва мақсадлари билан сайловчиларни таништирди, ободонлаштириш, ҳудудда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритди. Саволларга жавоб қайтарди.

Ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига қўра, Улуғбек Нодиров «Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилган 16 номзод орасидан 8 нафари очiq овоз бериш шаклида маслаҳатчиликка сайланди.

— Маҳалла фуқаролар йиғинида масъул котиб вазифасида 20 йилга яқин фаолият юритдим, — дейди «Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси У.Нодиров. — Маҳалла ҳаёти ва аҳолининг турмуш тарзи билан танишман. Маҳалладошларим мени раисликка муносиб кўрган экан, иш фаолиятимда уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Вилоятдаги фуқаролар йиғинларида сайлов давом этмоқда.

Ф.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## Касаба уюшмалари — фахрийларга

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

— Туманимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хайитбой ота Тожибоевга касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган пул мукофоти топширилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шўманай туман кенгаши раиси Жалғасбой Жумабаев. — Отахон фаолият юритган 21-умумтаълим мактабида байрам муносабати билан катта маданий тадбир ташкил этилиб, унда кенг жамоатчилик вакиллари ва бирлашма масъул ходимлари қатнашди.

Жойларда Ватан олдидаги хизмат ва зифасини ўташ чоғида халок бўлган юртдошларимиз оилалари ҳолидан хабар олиниб, уларга манзилли моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

— 91 ёшли Генжемурат оға Алланиязовнинг ниҳоятда кўнгли чоғ, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари Қораўзақ туман кенгаши раиси Маряш Каллибекова. — Урушнинг фожиали йилларини бошдан кечирган отахон доруламон кунларга шуқронлар айтиб, осуда ҳаёт қадрига этиб яшашга даъват қилди.

Анъанавий акция доирасидаги тадбирлар воҳанинг барча шаҳар, туманларида давом этиб, нурунийларга манзилли моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,  
«Ishonch» мухбири

Вобкент туманида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан 5 нафари истиқомат қилади. Туман марказида Зий кўчасида қариллик гаштини сураётган 92 ёшли Ҳомид ота Турсунов ана шуларнинг бири. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида собиқ жангчининг хонадонига қариндош-уруғ, маҳалладошлар йиғилади.

Кутлуг сана муносабати билан Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва унинг тумандаги тармоқ кенгашилари масъул ходимлари «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида Ҳомид отанинг хонадонига ташриф буюриб, унга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ажратилган 400 минг сўм манзилли моддий ёрдам маблағини топширишди. Ҳурмат-эътибор учун чин қалбдан миннатдорлик изҳор этган Ҳомид ота меҳмонларга уруш йиллари хотираларидан сўзлаб берди. У 18 ёшида фронтга жўнаб, шиддатли жангларда қатнашди. 1946 йилда қишлоғига қайтиб, соғлиқни сақлаш соҳасида фидокорлик билан меҳнат қилди. Баркамол, меҳнатсевар фарзандларни воёга етказди. Бугун эса мустақиллик шарофатидан баҳраманд бўлиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Сўлим ва баҳаво, яшилликка бурканган ушбу сихатгоҳда отахону онахонларнинг мазмунли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаши учун барча шароитлар, даволаш, ётоқ бўлимларида қўшимча қўлайликлар яратиб берилган. Фахрийлар жойлашган махсус бўлимда тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳамширалар бириктирилган. Тўлиқ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Касаба уюшмалари тизимидаги 17 санаторийда кўп йиллар меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийларининг бепул ҳордик чиқариши ташкил этилаётир.



## Кексаларни эъзозлаб

Республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 150 нафар меҳнат фахрийсига жаҳон стандартлари даражасида капитал реконструкция қилинган ва ободонлаштирилган «Турон», «Оқ тош», «Чортоқ», «Чинобод», «Ботаника», «Бўстон» каби санаторийларга бепул йўланмалар топширилиб, маданий дам олишлари учун шароитлар яратиб берилмоқда. Ана шундай байрам тадбирларидан бири пойтахтимиздаги «Турон» санаторийида бўлиб ўтди.

Сўлим ва баҳаво, яшилликка бурканган ушбу сихатгоҳда отахону онахонларнинг мазмунли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлаши учун барча шароитлар, даволаш, ётоқ бўлимларида қўшимча қўлайликлар яратиб берилган. Фахрийлар жойлашган махсус бўлимда тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳамширалар бириктирилган. Тўлиқ

ташхисдан ўтказилган отахон ҳамда онахонлар саломатлигидан келиб чиқиб, махсус тавсиялар асосида меъёрлаштирилган муолажалар амалга ошириллаётир. Таомномалар уларнинг буюртмаси бўйича тузилиб, дармондориларга бой тарзда тайёрланмоқда.

— Бизга бундай имкониятларни яратиб, юксак гамхўрлик кўрсатаётгани учун Юртбошимизга, ҳукуматимизга чексиз миннатдорлигини билдираман. Сўлим ва баҳаво «Турон» санаторийида меҳрибон ҳамширалар кўмагида даволанаямиз, соғлигимиз тикланмоқда, — дейди Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида яшовчи 86 ёшли меҳнат фахрийси Тўхтамурад ота Жўраев. — Шароитлар аъло даражада. Бугунги уюштирилган тадбир ҳам биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Бу каби тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, жумладан, «Саховат»



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати. Қозим УЛМАСОВ олган суратлар.

# Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси

Шунинг учун ҳам бу қутлуг айёмни, бир томондан, катта ғурур ва ифтихор билан, иккинчи томондан, кўзимизда ёш билан қутиб оламиз, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз, деди давлатимиз раҳбари.

Тарихда буюк сана бўлиб қоладиган бу воқеа, яъни фашизм устидан ғалаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган кўпмиллатли минг-минглаб инсонлар қаторида 338 нафар юртдошимиз юксак қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлгани, қанча-қанча оталаримиз, боболаримиз ўз жонини фидо қилиб, жанговар ордон ва медаллар билан мукофотлангани қалбимизга ҳақиқатан ҳам фахр туйғусини бағишлаши табиийдир.

Лекин фашизм балосига қарши курашда халқимизнинг қўшган энг катта ҳиссаси ҳақида гапирганда, юрагимизда умрбод битмайдиган яра, асорат бўлиб қоладиган оғир йўқотишлар яна ва яна ҳаёлимиздан ўтади.

Бу борада қуйидаги рақамларни олиб келиш ўрилли бўлади, деб ўйлайман.

Уруш бошланган пайтда Ўзбекистонимиз аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган бўлса, шундан 1,5 миллион киши, яъни одамлар қуриб етидиган одамлар урушда қатнашган. Уларнинг орасидан 500 мингдан кўпроги жанг майдонларида ҳалок бўлганини, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ғалаба бизга нақадар қимматли тушгани ўз-ўзидан аён бўлади, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўйлайманки, ҳар қайси халқнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги, керак бўлса, одамийлиги ва инсонпарварлиги нафақат ўз яқинлари, балки беғона одамларнинг бошига мусибат тушганда улардан ўз меҳри ва ёрдамини аямаслигида яққол кўринади, синовдан ўтади.

Меҳр-оқибат — халқимизнинг энг олий, нобё фазилати. Юртдошларимиз фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин болалар, аёллар ва қарияларни қабул қилгани, уларга бошла-на бергани, хатто охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, «Сен етим эмассан» деб, уларни ўз бағрига олиб, меҳр-муруват кўрсатгани халқимизнинг одамийлик фазилатлари, олижаноблигининг амалии намояни бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан тирик ва барҳаётдир, деди Ислоҳ Каримов. Утганларнинг хотирасини эсга олиш, уларнинг хо-

тираси олдиди ҳурмат бажо келтириш халқимизга хос азалий қадрият бўлиб келмоқда. Жанг майдонларида Ватан учун, бугунги ва эртанги авлодларнинг ёруғ кунларга етиши учун жон берган, ўзини фидо этган инсонлар хотирасини ёдга олсак, бугун ҳаёт бўлган фахрийларимизга қанча ҳурмат-эҳтиром ва эътибор кўрсатсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Аслида, содда қилиб айтганда, тарих — бу хотира дегани, ўтган аждодларнинг шонли ишлари, қаҳрамонликларини эслаш, ўтмиш воқеаларидан тўғри хулоса чиқариб яшаш деганидир.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, биз бундан 17 йил олдин мамлакатимизда 9 май санасини Хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилиб, пойтахтимиз Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда Хотира майдонлари барпо этиб, бу майдонларда Мотамсаро она ҳайкалини ўрнатдик. Бошқача айтганда, хотира ва қадрлаш дегани, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро боғланган иккита эзгу тушунча айна шу номда ўзининг ёрқин ифодасини топти.

Вақт ўтиши билан, қабул қилган бу қароримиз нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Халқимизнинг бу масканларга келиб, ўтганларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши яши аёнанага айланиб қолди. Бу майдонлар ҳақиқатан ҳам муқаддас зиёратгоҳларга айланиб, маънавий ҳаётимизни чуқур маъно-мазмун билан тўлдирмоқда, деди Юртбошимиз.

Инсоният тарихидаги энг муҳим ва бешафқат, беҳисоб йўқотишларга олиб келган урушнинг бошидан кечирган халқимиз доимо битта фикр билан яшайди: бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмасин, осотонамизга яқин келмасин. Бизга тинчлик керак, омонлик керак. Одамларимиз ҳар қандай давраларда, тўй-маъракаларда Яратгандан аввало шуни сўрайди.

Бундай қатъий қарашлар кўпни кўрган халқимизнинг онгу тафаккурига жуда чуқур кириб борган ва ёшу қари барча одамларимиз тинчликнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран англаб етгани ҳаммамизга аён.

Бунинг устига, дунёда тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликлари, яқин ва узоқ атрақимизда қонли тўқнашувлар кучайиб бораётганини, бир сўз билан айтганда, бундай офатлар тинчлик ва барқарорликка нисбатан ўта жиддий ҳавф ва таҳдид солаётганини аҳолимиз жуда катта ҳавотир билан кузатмоқда.

Бизга қўшни Афғонистонда 35 йилдан буён беқарор вазият ҳукм

сурмоқда ва ҳали-бери унинг охири кўринмайпти. Экстремизм, терроризм деб ном олган, тобора кенгайиб бораётган хатарлар, фашизм деган бало яна майдонга чиқаётгани барча-барча юртдошларимизда ташвиш уйғотмоқда.

Бундай мураккаб ва таҳликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан доимо сөзгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда, деди Президентимиз. «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган шиор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсондан ҳамон учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик кайфиятларидан халос бўлишни, энг муҳими, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

Ана шундай кескин вазият давлатимиздан, жамиятимиздан хавф-сизликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, чегараларимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида замон талаб қилмайдиган, зарур чораларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шулар қаторида: Ўзбекистон Қуролли Кучларининг салоҳиятини янада оширишга эътиборимизни кучайтириш;

Ўзбекистонимизнинг ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги ва мамлакатимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисидан бўлишига йўл қўймаслик сиёсатини қонун билан мустаҳкамлаб қўйганимизни бугунги мураккаб вазиятда ўзимиз учун энг маъқул ва тўғри йўл, деб биллашимиз, дея таъкидлади Президентимиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини катта хурсандчилик билан нишонлашга озгина вақт қолди.

Ўзбекистонимиз ана шу тарихан қисқа даврда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан ўтказмастин, унинг босиб ўтган йўли, ўсиш суръатлари, қўлга киритган ютуқ ва марралари жадон миқёсидан тан олингани ва кўпчиликнинг ҳаёсини тортаётгани барчамизни қувонтирмоқда, қалбимизда ғурур-ифтихор уйғотмоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганининг ҳал қилувчи мезонини ва омилни аввало, меҳнатсевар, мард ва матонатли халқимизнинг юксалиб бораётган дунёқарашини, онгу тафаккури, сиёсий ва ижти-

мойи фаоллиги, ҳаётга қарашини тобора ўзгартириб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий уй-жойлар халқимиз ҳаёт сифатини янада юксалтирмоқда. Бу ҳаракат самарасида қишлоққа тараққиёт кириб бормоқда, замонавий ахборот технологиялари одамлар турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади.

Мен ёш авлодимизга, менинг болаларимга қарата бўш келманлар, эртанги кун бизники, марра бизники, деб бежиз, асоссиз айтмайман. Бунинг чуқур маъно-мазмунини шундаки, вақт, йиллар ўтиши билан бизнинг сафимизни ким тўлдирмоқда? Аввало, замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлган, янги, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги кунини масъулиятини ўз зиммасига олишга, ўзини намойиш этишга қодир бўлган навқирон ўғил-қизларимиз. Қўзлари ёниб турган бундай ёшларимизни яна қаерда — қайси давлат, қайси юртда топиш мумкин, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Бугунги кунда узоқни кўзлаган мақсадларимиз, вазифа ва режаларимизни ҳам аниқлаб олганимиз, шу жумладан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2030 йилга бориб икки қаррадан зиёд кўпайиши барчамизда эртанги кунимизга катта ишонч бағишлайди. Ва юртимизни янада обод қилиш, ҳаётимизни юксалтириш бўйича дунёдаги энг тараққий топан давлатлардан, эркин ва овоз яшаётган халқлардан асло кам бўлмаймиз, иншоолло.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни ушбу қутлуг байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барақа тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, бало-қазолардан Яратганининг ўзи асрасин, деди пировардида Президентимиз.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурқанди. Турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Хотира майдонини оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озолиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

## Касаба уюшмалари — фахрийларга



№(1).

Шунингдек, касаба уюшма вакиллари Когон шаҳрида истиқомат қилаётган 93 ёшли Мария момо Алиева хонадонини бўлишди. 18 ёшида кўнгилилар сафида фронтга йўл олган Мария танқилик сирларини ўзлаштириб, ғалабага муносиб ҳисса қўшди. У касаба уюшмаларининг манзилли моддий ёрдами қабул қилиб оларкан, гоёт мамнун ҳолда юртимизга тинчлик, халқимизга бахт-саодат тилади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бугунги кунда вилоятда умргузаронлик қилаётган 116 нафар отахон ва онахонлар йўқланди. Мустақиллик йилларида хизмат вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган 4 нафар ҳарбий хизматчининг оилаларидан хабар олиниб, уларга ҳам моддий кўмак берилди.

Ўз муҳбиримиз

**«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида Сирдарё вилоятидаги 36 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг ҳар бирига касаба уюшмаларининг манзилли моддий ёрдами ва совғалари туҳфа этилди. Шунингдек, хизматини ўташ даврида ҳалок бўлган 8 нафар ҳарбий хизматчининг оилаларига моддий кўмак берилди.**

Сирдарё туманида истиқомат қилаётган уруш фахрийлари Бектурсун Пирматов, Карим Муҳаммадиев, Иван Шведенко, Қаршибой Сатторов, Александр Бакаевнинг хонадонларига борилиб, уларга Федерация Кенгашининг манзилли моддий ёрдами топширилди.

Туман хотин-қизлар «Муруват» уйида ташкил этилган тадбир таассуротларга бой бўлди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев Федерация Кенгаши совғасини тақдим этди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Н-ҳарбий қисм шахсий таркибидан ҳам бўлиб, байрам муносабати билан қимматбахо совға тақдим қилишди. Шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармасида ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган 5 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари ҳам Федерация Кенгашининг моддий кўмаги ва ИИБ томонидан ажратилган қимматбахо совғаларини қабул қилиб олишди.

**Ҳозирда Ширин шаҳрида 2 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Байрам арафасида шаҳар ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва бошқа ташкилот вакиллари 93 ёшли уруш фахрийси Риф Тукаев хонадонига ташриф буюриб, Президентимизнинг 800 минг сўм пул мукофоти ва касаба уюшмаларининг манзилли моддий ёрдами топширишди. Шу кун хотинлар томонидан байрам дастурхонини ташкил этилиб, маданий тадбир ўтказилди. Унда шаҳар болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўзларининг шеър ва қўшиқларини армуғон этишди.**

Уруш бошланган йили 17 ёш бўлган Риф Тукаев умрининг 3 йили жанггоҳларда ўтди. Урушдан қайтган нари бўлди. Узоқ йиллар «Сирдарё ИЭС» АЖда меҳнат қилди. Фарзандларини улғайтириб, ўқимшли қилди.

Шу кун байрам ташкилотчилари уруш фахрийси Софья Вохидова хонадонини ҳам бўлишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» муҳбири

**Бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Хотира боқийдир, қадр муқаддас!» шиори остида хайрия тадбирини ташкил этилди. Унда ўтганларни ёд этиб, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийлари, кексалар ва ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, совға-салом улашилди.**

Шунингдек, туманимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хонадонларига ташриф буюриб, уларга касаба уюшмаларининг манзилли моддий ёрдами ва байрам совғаларини топшириди.

— 91 ёшдаман, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошмурод Қосимов. — Яратганга шукр, 6 фарзанд, 17 невара, 45 нафар эварам бор. Уларнинг ардоғида бахтли ҳаёт кечираяпман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бундай саодатли кунларимизга асло кўз тегмасин. Биз, фахрийларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Президентимиз омон бўлсин.

Нурмуҳаммад РЎЗМАТОВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси

**Сурхон воҳасидаги 145 нафар уруш қатнашчиси беҳад қувончда. Бугунги бахтиёр кунларимиз учун жон олиб жон берганлар, ногиронлар ўзларига кўрсатилётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнуликларини изҳор этишмоқда.**

Қумқўрғон туманидаги «Тарвузпоя», «Гулистон», «Пахтаобод» МФЙлари ҳудудида яшовчи уруш ногиронлари Зокир Қодиров, Мамаражаб Абжалов, Абдурахмон Чориев, ангрлик Курбон Азимов, сариосиёлик Пўлат Сафаров сингари фахрийлар ҳолидан Соғлиқни сақлаш, Таълим, фан ва маданият ҳамда Агротасолат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари туман кенгашлари мунтазам хабарлашиб турибди. Бундай саховат ва ҳимматни барча туманлардаги фаоллар доимий амалга ошириб келмоқда.

Вилоят бирлашмаси томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари 400 000 сўм миқдоридан, Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматини ўташ даврида ҳалок бўлган хизматчилар оилалари 250 000 сўмдан касаба уюшма маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилди. 28 нафар фахрийнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳрларига саёҳати ташкиллаштирилди.


Меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинапти.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» муҳбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Дўстлик туман кенгаши томонидан 15 нафар фахрий педагогининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Ушбу сайр давомида фахрийлар кўна ва ҳамша навқирон шаҳарнинг бугунги қиёфаси, тарихий обидаларини томоша қилишди. Бу уларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ўз муҳбиримиз

### Фармон ва ижро



**Исомиддин ота Бобомуродов Хатирчи туманининг қадри баланд инсонларидан. Халқнинг унга бўлган ҳурмат ва эътибори бежиз эмас. Бунинг ортида ҳаёт машаққатларини енгиш, эл-юрт учун фидойилик, ибратли оилани шакллантириш, 5 ўғил ва 5 қизни халқ хизматига камарбаста қилиб камол топтириш каби улғунисоний фазилатлар ётибди.**

ларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонидан кўзда тутилган

олиб, саломатлигини тиклади. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса 90 нафар отахон ва онахонга 90 қариялик имкони яратиб берилди. Айна пайтда бу ерда 16 нафар нуруний шифокорлар ардоғида. Махсус жиҳозланган хоналарда дам олиб,

жамлиқдан, деб биламан.

— Шиддатли жангларда қатнашдим. У кунларимиз асосан юракларим орқага тортиб кетди. Шунинг учун фарзандларим ва набираларимга тинчлик нақадар буюк неъмат эканлигини тақдорлардан чарчамайман, — дейди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманилик Неймат бобо Шер-бобоев. — Ҳозирда 9 нафар фарзанднинг отаси, 40 нафар нева-ра, 52 нафар эваранинг суюкли бобосиман. Ушбу санаторийда дам олаётганимдан жуда хурсандман. Кўрсатилётган тиббий муолажалар, умуман, барча шароит юқори даражада.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг қай бири билан суҳбатлашманг, улар қалбидан чексиз шукроналик, миннатдорлик ҳис-туйғулари жўш ураётганининг гувоҳи бўласиз. Санаторий маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг ғамхўрлиги ҳамда ташкилотчилигидан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Дам олувчилар, жумладан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларининг ташриф кун сайин кўпаяётганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

## Шукрона

имтиёزلардан фойдаланган ҳолда бепул йўланма билан келган нурунийни маъмурият ва касаба уюшма вакиллари очик чеҳра билан қутиб олди.

Отахон 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари бўлишига жойлаштирилди. Маскан ҳудудидаги мусаффо ҳаво, озодаллик, мевали ва манзарали дарах-лар, гулу гулзорлар, мўъжизакор фаввора, мафтункор хибоблар, дам олувчилар учун яратилган бошқа қулайликлар Исомиддин отанинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Маъжур Фармон шарофати билан ушбу масканда ўтган йил давомида 600 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийси дам

# XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан ёшларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун маънан етук ва жисмонан соғлом авлоднинг вояга етиши йўлида кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ёшларнинг илм олиши, истеъдоди ва фаоллигини намоеъ этиши борасидаги шарт-шароитларга дунё ҳамжамиятининг ҳаваси келаятгани ҳам бор гап. Шундан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган билимли, иқтидорли, ташаббускор ва фаол талаба-ёшларимиз фаолиятини ёритиб боришни ният қилдик. Қуйида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент давлат техника университетида таълим олаётган бир гуруҳ талабалар фаолияти билан яқиндан танишасиз.



Фариджон Усмонов тил ўрганишга бўлган қизиқиши туфайли таржимонлик соҳасига кириб келган.

## ЮРТГА НАФИМ ТЕГСИН

Фариджон тинимсиз меҳнати самараси ўлароқ Германия элчихонаси томонидан ташкил этилган танловда голиб чиқиб, Манхайм шаҳрида ташкил этилган ёзув курсида тахсил олди. Бир юз тўқсон беш мамлакатдан келган талабалар сафида бўлиб, турли йўналишлар бўйича билим ҳамда кўникмаларини ошириб қайтди.

У ўқув давомида юртимизнинг тарихий шаҳарларини дунё аҳли жуда яхши билишини, қомусий олимларимизнинг бебаҳо меросига хорижийлар катта эътибор билан қараши, қизиқишига гувоҳ бўлганини қувониб айтиб берди.

— Уй қурилаётганда унинг асоси, яъни пойдевори мустаҳкам қўйилади. Мен ҳам илк билимимни Самарқанд давлат чет тиллари институти қошидаги академик лицейда оламан. Ўзбекистон миллий университети хорижий филология факултетида тахсилимни давом эттираяман. Яқин кунларда Гете институтида уч ойлик ўқув курсини тамомлаш арафасидаман, — дейди Фариджон.

XXI аср — ахборот асри, дея эътироф этилаётган. Шунинг учун тил ўрганиш замон талаби бўлиб бормоқда. Дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлмиш Ўзбекистонимиз тараққиётида теңдошимиз каби истеъдодли таржимонларнинг ҳам меҳнати ақсотишига шубҳа йўқ.

Бахтиёр ТЎХТАЕВ

## ҚЎШАЛОҚ БАХТ

Кўзлардаги қувонч, лаблардаги табассум, бу — бахтдан дарак. Доимо қувониб юрадиган Гулноза ҳам омадини эргаштириб юрадиган инсонлар сирасига кирди. «Қиз бола ўқиб дам олиб берармиди», деган саволга муносиб жавоб сифатида айнан уни мисол қилиш мумкин. Гулноза ўзига ишонч билдирган ота-онасига дунёларга тенг қувончни тақдим этди. Томчида уммон ҳосил бўлади, деганларидек, шеърини сатрлар салмоғи ортиб, болалиқдаги содда тушунчалар акс этган байтлар ўрнини оташли сатрлар эгаллаб бошлади. Вақт ўтиши билан «Она мадҳи» номи шеърини тўплами, «Самарқанд сайқали» мақолалар тўплами чоп этилди. Гулноза 2008 йили маданият йўналиши бўйича «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилди.

— Яхши эсимда, илк шеърларимни мактабда устозларим сабоқ ва ундови туфайли ёза бошлаганман. Машқларим биринчи мартаба мактаб деворий газеталаридан ўрин эгаллаган. Бундан қувониб, яна ижод қилгим келаварди. Орадан йиллар ўтди, ижод намуналарим туман, вилоят газеталаридан муносиб ўрин эгаллаб бошладим...

Ўзбекистон Миллий университети жур-

налистика факултетига имтиёз асосида ўқишга қабул қилиниши Гулноза учун қўшалок бахт бўлди. Ўқиш даврида журналистика соҳасини чуқур эгаллашга, устозлар сабоғини кунт билан ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Натيجида, университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган ЎЗМУ стипендианти соҳибига айланди.

ЎЗМУ журналистика факултети магис-

тратура босқичида тахсил олаётган Гулноза айни пайтда семил рафиқа ва меҳрибон она ҳамдир. У оилавий бахт билан ота-онасининг ишончини яна бир бора оқлади, десак муболаға қилмаган бўламиз.

— Меҳрибон қайнонам ва умр йўлдошимнинг ёрдами билан ҳам ўқишимни, ҳам уй юмушларимни эпаялпман. Олимларнинг маълумотига кўра, ҳомиладорлик даврида онанинг кўпроқ китоб ўқиши бўлажак фарзанднинг ақли расолигига замин яратар экан. Шу боис, бу даврда ҳам илм олишдан тўхтамадим, бадий асарлар мутлаа қилдим. Фарзандимнинг келажакда Ватанига фойдаси тегадиган етук шахс бўлишини жуда-жуда истайман. Ишонч ҳосил қилдимки, агар шижоат ва мақсад бўлса, оилага ҳам, ўқишга ҳам вақт ажрата олиш мумкин, — дейди Гулноза.

Шаҳноза АТОВЕВА

## ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙ

Кўш нурлари қиздира бошлаган кунлар эди. Дарслар тугаб, Сарвар йўл четидан ёлғиз ўзи ҳалб дарёсига чўмганча уйига қайтаётган эди. Бир вақт сал нарироқда машина тўхтаб, ундан ҳарбий кийимдаги киши тушди. Сарвар уни дарҳол таниди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этиб қайтган Жамол ака кўзига оловдек кўринди. Шу лаҳзада Сарвар «Мен ҳам, албатта, армияга бораман» дея кўнгилдан ўтказди.

Шахрисабз тумани «Тўдамайдон» қишлоғидаги мактаб ўқувчиси Сарвар синфдошларидан ажралиб турарди. Буни устозлари ҳам эътироф этишган. Оиланинг кенжаси Сарвардан ота-онасининг умиди катта.

«Кенжа фарзандлардан файласуфлар кўпроқ чиқади», деган гап ҳам бежиз эмас. Негаки, улар ака ва опалари хатларини такрорламаслика ҳаракат қилади. Сарвар ҳам икки акаси ва уч опасининг эркатойи эди. Китоб ўқиш унинг энг сеvimли машғулотиди. Мактабни тугатгач, 2012 — 2013 йилларда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтади. Ҳарбий хизмат Сарвар учун матонат мактаби бўлди. Бир йил давомида оддий аскар Жабборов ўз хизматини намунали олиб боргани ҳамда маънавий-маърифий, ҳарбий соҳаларда етарли билимга эга бўлгани учун, хизмат сўнгида имтиёзли балларни қўлга киритди. Хизматдан қайтар экан, энди унга ён-атроф бошқача кўринар, инсонлар ҳам унга ҳавас кўзи билан боқарди. Уйига етиб келган Сарвар таксидан тушаётганда мактабдан қайтаётган болалар унга термулиб турганини кўрди. Ешлиги ёдига тушди. Бу болақайлар ҳам озуланган бўлса ажабмас.

Сарвар мақсади сари олға юришда давом этди. Абу Райҳон Беғунин номидаги Тошкент давлат техника университети Нефт ва газ факултетига шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. «Камолот» ЕИХнинг фаол аъзоларидан бирига айланди. Ушбу ташкилот томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсия билан ўқишга қабул қилинган талабаларга шартнома миқдорининг 35 фоизи тўлаб берилиши ҳам айни мuddао бўлди. Университетда талабалар учун барча шароит яратилган. Талабалар тураржойлари тобора қурилиб кияфа касб этиб бормоқда. Олтин давр дея таъриф олгани билан талабаларнинг ўзига яраша машаққат ва кийинчиликлари мавжуд. Бугун Сарвар Жабборов ҳам жон-жаҳд ила соҳасига оид билим ва кўникмаларини ошириб бораётган. Нефт ва газ соҳасида етук мутахассис бўлиб етишиб, «Шўртангазим» мажмуасида фаолият юритиши ва Она ватанимизнинг равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиши дилига туккан Сарварнинг барча орузлари ижобат бўлишига биз ҳам тилакдошимиз.

Наврўзшоҳ ХУДОЙКУЛЗОДА

Хорижликларнинг юртимизга қизиқиши муттасил ортиб бораётган. Халқимизнинг меҳмондўстлиги, бой маданий меросимиз ҳамда инсонийликка йўғрилган урф-одатларимиз барчани ўзига ром этмоқда.

## КОРЕЯЛИК ЎЗБЕК ТАЛАБАСИ

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизга билим олиш учун келатганлар ҳам талайгина. Шулардан бири Ўзбекистон миллий университети 4-босқич талабаси, жанубий корейлик Кахён Будир.

— Ёшлигимдан чет элда ўқишни орзу қилардим. 100 дан ортиқ мамлакатлар ичнда айнан мамлакатимизни танлаганим сабаби, юртимизнинг бой маданияти, қадимий тарихи ва ўқитиш тизимининг юқори даражада эканлиги бўлди, — дейди Кахён Бу. — Ўзбекистонга келганимга тўрт йил бўлди. Шу йиллар давомида халқингиз бағрикенглиги билан менда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда тараққий топаётган бошқа йўналишлар каби таълим тизимининг ҳам юқори даражада эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Яқинда бўлиб ўтган Наврўз байрамида, умумхалқ ҳашарида иштирок этдим. Теңдошлар билан бирга сумалак пиширдик. Қозон бошида ният қилдик. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ҳаётимнинг энг яхши дамлари ўтмоқда.

Бу каби фикрларни эшитган ҳар бир юртдошимизнинг кўнгли ифтихорга тўлиши аниқ. Шундай бетимсол, жаннатмонанд юртимизга кўз тегмасин.

Маъруфжон ЖУМАЕВ

## ЮКСАК БИЛИМ — ЮҚОРИ НАТИЖА



Кипр давлатининг Протарас шаҳрида ўтказилган 10-халқаро «SEEMOUS — 2016» математика олимпиадасида 20 дан ортиқ мамлакатдан 43 та университет жамоаси таркибида 150 га яқин иқтидорли талаба иштирок этди.



Елчи ШАМСИДДИНОВ (ўса) олтин оғрат.

Ўзбекистон Миллий университети талабалари Шохруҳ Ибрагимов ва Ҳакимбой Эгамберганов 2 та олтин медалини қўлга киритиб, халқаро олимпиадада Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашгани таъминлади. Шу тариха ёшлар яна бир карра юртимиз номини дунёга танитди. Боз устига халқаро олимпиада голиби бўлган иқтидорли талабаларимиз Кипр университети (University of Cyprus) магистратура босқичига имтиёзли равишда грант асосида ўқишга қабул қилинди.

— Математика фанига болалигимдан қизиқаман. Айни уйинқароқ давримда ҳам дарсларни канида қилмасдим, — дейди Шохруҳ Ибрагимов.

Ёшлиқда олинган билим тошга уйилган нақш кабудир. Шохруҳнинг бугунги муваффақияти, машаққатли меҳнат самарасидир.

Шу ўринда фарзандидаги истеъдодни пайқаган ота-она ҳам уни астойдил қўллаб-қувватлаганини эътироф этиш лозим. Устозларнинг ўғити эса ўз устида жиддий шугулланишга ундади. Фан олимпиадаларида голиблар сафидан жой эгаллади. Ўқишга бўлган иштиёқ уни Самарқанд шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби сари чорлади. 2011 йилда вилоят олимпиадасида биринчи

ўринни эгаллади. 2012 йил ноябр ойда Тошкент шаҳрида республика миқёсида академик лицей ва коллежлар ўртасида бўлиб ўтган, С.Сирожиддинов хотирасига бағишланган математика олимпиадасида ҳам биринчилик насиб этди. Бу ютуқлар, ўз навбатида, Шохруҳни 2014 йил май ойда Болгариянинг Плевен шаҳрига, XXXI халқаро БАЛКАН математика олимпиадаси томон етказди. Мусобақада қумуш медал соҳибига айланди.

2014 йил июн ойда Тошкент шаҳрида математика бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллаган Шохруҳ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. 2015 — 2016 ўқув йилида ЎЗМУ стипендианти бўлди. Ҳозир устида янада кўпроқ ишлаш кўникмасини эгаллаган иқтидор соҳибини эндиликда устозлари кўмағида халқаро математика олимпиадасига қатнашиш учун таёргарлик қўра бошлади ва... олтин медал соҳибига айланди.

Бугун диёримизда ёшлар учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай экан, юрт шаънини улуғлаб, жаҳонга танитиш ҳар бир йигит-қизининг бурчидир.

Сулаймон ХАЙДАРОВ

## ТЕНГДОШЛАРДА ҲАВАС УЙФОТИБ

— Эверест чўққисига талпинувчилар бисёр. Бироқ курраи заминнинг энг балинд нуқта-сини забт этиш барчага ҳам насиб этавермайди. Журналистиканинг ҳам ўз «эверестлари бор. Назаримда, ирода, шижоат, куч, сабр, масъулиятнинг қуртак отиши — галабанинг пойдевори, — дейди Ўзбекистон миллий университети журналистика факултети 4-курс талабаси Улуғбек Раҳмонкулов.

«Тошкент» телеканалда фирга узатилаётган унинг муаллифлигидаги «Халис назар» ва «Кўзгудаги биз» кўрсатувларини кузатгансиз, албатта. Унда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар дастурида кўзда тутилган асосий масалалар атрофида таҳлил қилиниб, жамиятда локайдлик иллатининг келиб чиқиш сабаби ва оқибатлари, замонавий ахборот технологияларидан ноури фойдаланишнинг ёшлар тарбиясига таъсири муҳокама қилинади.

Ёш журналистнинг таҳлилий-танқидий кўрсатувлари эътироф этилиб, муносиб рағбатлантирилади. 2015 йилда «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танловида телевидение йўналиши бўйича фахрли иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Жорий йил бошида эса Эко-журналистика республика танловининг теле-

видение йўналишида голиб деб топилди. — Телевидениеда бир киши зафар қўчмайди. Ушбу кўрсатувни суратга туширган тасвирчи, суратга олиш жараёнида бош-қош бўлувчи режиссёр, дастурга «кийим» тайёрловчи монтаж устаси, ўзининг овози билан томошабинга таъсир кўрсатувчи телебошловчи, хуллас, кўрсатувнинг эфирга узатилишида меҳнат қиладиган барчанинг ютуғи, деб биламан, — дейди Улуғбек. — Тўғриси айтсам, тайёрлаётган ҳар бир кўрсатувим мусобақага ўхшайди. Галаба қозониш учун эса тинимсиз меҳнат қилмоқ керак. Маълум бир мавзун олиб чиқишда ҳам худди шу жиҳат эътиборга олинади. Бир ҳақиқат бор: ким ният қилса, мақсади йўлида интилишдан чарчамаса, юзи ёруғ, йўли очик бўлади.

Гулноз ХЎЖАНАЗАРОВА

Саҳифа таҳририят қошидаги «Маҳорат мактаби» тингловчилари томонидан тайёрланди.

Тадбир



## Қизилқум жавоҳирлари

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Навоий-кон металлургия комбинати тасарруфидagi маданият муассасалари ва «Фарҳод» маданият саройи ижодий жамоалари ижросида «Қизилқум жавоҳирлари» концерт дастури бўлиб ўтди.

Касаба сайр

ЎзҚУФКнинг 2015 йил 24 январдаги «Касаба уюшма ташкилотларида туризм фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги раёсат қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Касаба сайр» шўъба корхонаси томонидан Ўзбекистон темир йўллари акционерлик жамияти билан ҳамкорликда саёҳатчилар учун ҳаракатланувчи «Афсона» поездида Урганч ва Хоразм шаҳарларига икки кунлик саёҳат уюштирилди.

## Саёҳат завқи

Барча тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ва касаба уюшма фаолларидан 450 нафар саёҳатчи Урганч шаҳрининг диққатга сазовор жойлари ҳамда Хива шаҳридаги Ичан қалъа, Саид Оловуддин макбараси, Калта Минор, Муҳаммад Амिनхон мадрасаси, Пахлавон Махмуд макбараси каби ёдгорлик мажмуаларини зиёрат қилди.

— Саёҳат ёлда қоларли бўлди. Бир олам таассурот билан қайтдик, — дейди «Тошкентга таъминот» унитар корхонаси Зангиота туман газ филиали касаба уюшма кўмитаси раиси Ориф Ёқубов.

**С. МУСАЕВ,**  
«Тошкент газ таъминот» УК касаба уюшма кўмитасининг маданий-матрифейл ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси

Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан ўтказилган ушбу санъат кечасида ҳаваскорлар ўз чиқишлари билан томошабинларга завқ улашди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган концерт дастурига уруш ва меҳнат фахрийлари, мактаб-интернатлар ўқувчилари, санъат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-талабалар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда пой-

тахтимиз аҳли таклиф этилмоқда.

— Навоий кон-металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройида саксонга яқин ижодий жамоа фаолият кўрсатади. Айни пайтда бу ижодий жамоаларда 1500 нафар ўғил-қиз санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўз маҳоратини ошироқда, — дейди НКМК ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Исроиил Раҳматов. — Бундан кўзланган мақсад вило-

ятимиздаги санъатга ихлосмандлар иқтидорини намойиш этишга имкон яратиш билан бирга, уларнинг пойтахтимизга саёҳатини ташкил этишдан иборат.

Шунингдек, сарой фойесида «Фарҳод» маданият саройи ижодий жамоалари, хусусан, Болалар ижодий маркази қатнашчиларининг тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги ижодий ишлари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Концерт давомида иштирокчилар томонидан ижро этилган жозибакор куй-қўшиқлар ва дилрабо рақслар томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**  
«Ishonch» мухбири.  
Муаллиф олган сурат

Миллий матбуот марказида

## Замонавий технологиялар самараси

«АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» омонатчилари ва пластик карта эгалари учун замонавий банк технологиялари асосида яратилаётган қулайликлар мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.



Унда бугунги кунда нақд пул муомаласини тақомиллаштириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, замонавий банк технологияларига асосланган нақд пулсиз ҳисоб-ки-тоблар тизимини янада ривожлантириш, банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаб боришнинг кафолатларига доир фармон ва қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда банк омонатлари таркибига мунддатли ва жамгарма омонатлар салмоғини ошириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига 30 дан ортиқ омонат турлари бўйича маблағлар жалб этилди. Жумладан, 2016 йилнинг 1 чораги давомида банк томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури бўйича «Ёрқин келажак», «Соғлом авлод»

каби омонат турлари жорий қилинди, шунингдек, «Юқори даромад», «Омад», жамгармали «Имконият», хорижий валютада мунддатли «Капитал плюс» каби янги омонат турлари йўлга қўйилди.

Чорак якуни бўйича банкнинг жами омонатчилари сони 75 минг нафардан ошди ва уларнинг банкда кўйилмалари (уй-жой маблағларисиз) 187,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан ўзининг чакана хизматлар бозорига фаолиятини доимий кенгайтириб бориш, миқозларнинг банк фаолиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш чоралари кўриб келинмоқда. Ҳозирда банкнинг жамгарма касаларида омонатчилар билан амалиётлар бажарилишида, омонатчи билан банк ўртасида тузиладиган омонат шартномалари, кирим ва чиким ордерлари автоматлаштирилган тизим орқали чоп этилиши, омонатчиларга омонат маблағлари вақтини тежаш билан бирга, уларга сифатли ва қулай банк хизматлари кўрсатиш имконини бераётди.

Шунингдек, пластик кар-

талар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-ки-тоблар тизимини янада кенгайтириш борасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда, муомаладаги банк пластик картчаларининг умумий сони 510 мингга етди. Банк хизмати, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 9 784 тами ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиалларига қўшимча 50 минг дона пластик картча ва 1100 дона терминаллар етказиб берилди. Йил охирига қадар қўшимча 2500 дона терминал, 200 минг дона пластик картчалар келтирилиши режалаштирилган.

Тадбир асоси журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

## «АЖДОДЛАР ЭҲТИРОМИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ


**МУАММОНОМА. Калит сўзлар:** 1. Хатирчилик атоқли ўзбек бахчиси, шоир — 12, 13, 6, 8, 2, 5.  
2. Мақолдан: «9, 13, 10, 15 сафарда билинади, Ога-ини қулфатда».  
3. Эркесвар халқлар орзуси — 15, 3, 5, 20, 6, 3, 8.  
4. Эришилган ютуқ, омад, иқбол — 7, 2, 16, 15.  
5. Мақолдан «18, 2, 17 — ҳамиша голиб».  
6. Ҳикматдан: «Аждодларнинг ватанга фидойилиги порлоқ келажакимиз учун мустақам — 11, 2, 4, 1, 14».  
7. Мевазор, гуллаган маскан — 7, 1, 19.  
Энди шаклнинг ички қисмларидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириш асосида муаммонони ҳал этиш орқали ибратли сўзларни билиб олинг.

**АЙЛАНМА КРОССВОРД. Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофида соат миля йўналишида:** 1. Ўзбек адабиёти ривожлантиришдаги хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган атоқли ижодкор, олим, қатагон йиллари қурбони. 2. Айрим кишиларга намунали хизматлари учун белгиланган тартиб асосида амалга оширилмадиган энгиллик. 3. Янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, «Ўткан кунлар» асари билан романчилигимизга асос солган ижод соҳибни. 4. Мустақиллик даврида

Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган таниқли адиб, қатагон йиллари қурбони, «Кеча ва кундуз» романи муаллифи. 5. Қалб, инсонга хос эзгу ҳис-туйғу ва кечинмалар. 6. Атоқли театр, кино ва дубляж устаси, Ўзбекистон халқ артисти. 7. Меҳр, қадрдонлик, туйғусидан юзага келадиган яхши муносабат. 8. Шарафига истеъдод соҳибаларига тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилган атоқли ижодкор, Ўзбекистон халқ шоираси. 9. Улуғ, мўътабар ёшдаги эъзозли инсон. 10. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ҳажвий асарлар ёзиб қолдирган бухоролик адиб. 11. Фашизмга қарши уруш қатнашчиси, Ўзбек шоири, журналисти. 12. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Ойбегим менинг» хотира асари муаллифи, кинематографа олимаси Саидносова. 13. Она ватанимиз истиқлоли йилларида рўёбга чиқётган азалий анъаналаримиз мажмуи. 14. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад қаламига мансуб «Уфқ» трилогияси қаҳрамони. 15. Бирор шахс хотирасини абадийлаштириш учун бунёд этилган ёдгорлик. 16. Ривоятларга кўра бир оёқда турган ҳолати шу мақсад тинчлик хотиржамлики акс эттириши инобатга олиниб, пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида рамзи бунёд этилган

куш. 17. Атоқли ўзбек тарихчи олими, «Амир Темура» романи муаллифи. 18. Фашизмга қарши уруш қатнашчиси, «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас» романлари муаллифи, атоқли адиб. 19. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг «Икки эшик ораси» романи қаҳрамони. 20. Шарқ мумтоз адабиётида шоир томонидан ўз ижоди, истеъдоди ва фазилатларини мактаб ёзилган шеър. 21. «Алишер Навоий» тарихий филмини экранлаштирган атоқли кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти, хизмат кўрсатган санъат арбоби. 22. Ўтганлар хотирасига бағишланган шеър. 23. Авлоддан-авлодга ўсиб келётган, воқеа ва ҳодисалар тасвирланган ибратли ҳикоя. 24. Хоразм кулолчилиги вақили, устозода қошиқкор уста, Хива меъморий ансамблидаги йирик биноларни безаш иштирокчиси. 25. Ҳикматдан: «Яхши билан ... бўл, Саёҳатда йўлдош бўл».  
26. Ўзбекистон халқ шоири, кўконилик ажойиб қўшиқчи ижодкор. 27. Ўрта асрда мўғул истилочиларига қарши олиб борилган халқ ҳаракати раҳбари. 28. Ўзбек шеърининг XX аср испан шоирларининг бадий тажрибаси билан бойитган ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шавкат ...  
29. Устоз опера хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти ... Қобулова.

Фозилжон ОРИПОВ



МУАССИС:



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'tmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Roklar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Xatlam va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-90) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev  
Navbatchi: N. Mahamov  
Musahhirlar: S. Haydarov  
Sahifalovchi: H. Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi chop etiladi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma T — 515.  
20829 nusxada bosiladi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 18:00  
Topshirildi — 19:00

1 2 3 4 5 6

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.